

**Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг ривожлантириш
дастурлари ва мақсадли индикаторларининг 2026 йил II чорак ижроси
юзасидан Ички аудит бўлими томонидан баҳолаш натижалари бўйича**

М А Ё Л У М О Т Н О М А

2026 йил 09 июл

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-388-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикасида дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 4-сон қарори бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг 2026 йил 2-чораги учун бюджет маблағларидан фойдаланиши билан боғлиқ мақсадли индикаторлари ижроси баҳоланди.

Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг 2026 йил 30 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-388-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги **УМ-9-сон** буйруғи билан мақсадли индикаторлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тузишга ва белгилаб берилган кўрсаткичларни бажаришга масъуллар белгиланган.

Ушбу буйруққа мувофиқ, масъуллар ҳисоботларни тегишли тартибда Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва режалаштириш бўлимига тақдим этгани ҳолда ушбу бўлим томонидан умумлаштирилган маълумотлар ҳамда қишлоқ хўжалиги вазири томонидан 2026 йилнинг 3 апрелда мақсадли индикаторлар ижросини таъминлаш бўйича чорақлар кесимида тасдиқланган чора-тадбирлар дастури асосида баҳолаш ўтказилди.

Баҳолашга тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига ва тўлиқлилигига масъул ижрочилар жавобгардирлар.

Ўтказилган баҳолаш натижасида қуйидагилар маълум бўлди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги ПҚ-388-сон Қарори 6-иловасида “Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг 2026-2028 йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторлари” белгиланган бўлиб,

илованинг 47.8.-бандида Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш бюджет дастури учун жорий йилда **69,2 млрд сўм** ажратилиши режалаштирилган, шундан II-чорак учун аниқланган режага кўра **52,7 млрд сўм** маблағлардан **49,8 млрд сўми** ёки **94,5 фоизи** ўзлаштирилган.

Бунда:

- агросаноатни ривожлантириш дастури учун жорий йилда **31,7 млрд сўм** ажратилиши режалаштирилган, шундан II-чорак учун аниқланган режага кўра **15,2 млрд сўм** маблағлардан **15,2 млрд сўми** ёки **100,0 фоизи** ўзлаштирилган.

- агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасига трансферлар учун жорий йилда **37,5 млрд сўм** ажратилиши режалаштирилган, шундан II-чорак учун аниқланган режага кўра **37,5 млрд сўм** маблағлардан **34,6 млрд сўми** ёки **92,3 фоизи** ўзлаштирилган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича Интесив мевали боғ-токзорлар барпо этиш йиллик режада **21,8 минг гектарни**, шундан II-чоракда **14,5 минг гектарни** етказиш белгиланиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси **14,8 минг гектарга** бажарилган ёки ушбу кўрсаткич **102,10 фоизга** бажарилган.

- иқтисодий жиҳатдан самарасиз ва кам ҳосилли боғ-токзорларни реконструкция қилинишига кўмаклашиш йиллик режада **20,7 минг гектар**, шундан II-чоракда **20,7 минг гектарга** етказиш белгиланиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси **22,1 минг гектарга** ёки **106,8 фоизга** бажарилган.

- барча тоифадаги хўжаликларда мева етиштириш ҳажмларини ошириш йиллик режада **3,5 млн тоннага** етказиш белгиланган, шундан II-чоракда **1,0 минг гектарга** етказиш белгиланиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси **1,0 минг гектарга** ёки **100,0 фоизга** бажарилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагилар таклиф этилади:

- бюджет дастурлари ва уларнинг қуйи дастурлари ижроси учун маблағларга аниқланган ўзгартиришлар киритилганда, мақсадли индикатор кўрсаткичларига ҳам мутаносиб равишда ўзгартириш киритилиши;

- мақсадли индикатор кўрсаткичлари ижроси маълумотларида такрорланувчи субъектларни кўрсаткич ҳисоботида инобатга олиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ички аудит бўлими
бош мутахассиси



Ш.Худойназаров

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 26-dekabrda PQ-388-sonli "O'zbekiston Respublikasining "2026-yil uchun O'zbekiston Respublikasining Davlat budjeti to'g'risida"gi Qonuni ijrosini ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorining 6-ilovasi bilan tasdiqlangan budget xarajatlarining maqsadli indikatorlarining 2026-yil 6 oylik ijrosi to'g'risida

H I S O B O T

№	Maqsadli indikatorlar nomi	O'lchov birligi	2026-yil jami	2026-yil aniqlangan reja	shundan			Izox:
					reja	ijro	foizda	
	Bog'dorchilik va issiqxona xo'jaligini rivojlantirish	mlrd so'm	69,2	69,2	52,7	49,8	94,5	
	<i>Amalga oshiriladigan chora-tadbirlar:</i>							
I	Quyi dastur nomi: Agrosanoatni rivojlantirish	mlrd so'm	31,7	31,7	15,2	15,2	100,0	Agrosanoatni rivojlantirish agentligi va uning idoraviy mansub tashkilotlarini saqlash bilan bog'liq xarajatlari
II	Quyi dastur nomi: Agrosanoatni rivojlantirish agentligi va uning idoraviy mansub tashkilotlarini saqlash bilan bog'liq transferlar	mlrd so'm	37,5	37,5	37,5	34,6	92,3	Agrosanoatni rivojlantirish agentligi va uning idoraviy mansub tashkilotlarini saqlash bilan bog'liq transferlar
	Bevosita (to'g'ridan-to'g'ri) natija ko'rsatkichi							
1	Intensiv mevali bog'-tokzorlar barpo etish	ming gektar	21,8		14,5	14,8	102,1	Mahalliy hokimliklar tomonidan bildirilgan takliflarga asosan hududlarda intensiv bog'lar maydonini ko'paytirish, resurslarni ko'paytirish, resurslarni ko'paytirish texnologiyalarni qo'llash natijasida suv resurslari sarfini kamaytirish rejalashtirilgan.
2	Iqtisodiy jihatdan samarasiz va kam hosilli bog'-tokzorlarni rekonstruksiya qilinishiga ko'maklashish	ming gektar	20,7		20,7	22,1	106,8	Yer resurslaridan maqsadli va samarali foydalanishni tashkil etish, iqtisodiy jihatdan samarasiz va kam hosilli bog'-tokzorlar maydonini kamaytirish hamda ular o'rinda yangi intensiv bog'-tokzorlar barpo etish yoki haydaladigan yer maydoniga o'tkazish orqali boshqa turdagi qishloq xo'jaligi mahsulotlari yetishtirish tashkil etiladi.
3	Barcha toifadagi xo'jaliklarda meva yetishtirish hajmlarini oshirish	mln tonna	3,5		1,0	1,0	100,0	Barcha toifa xo'jaliklar tomonidan 3,5 mln. tonna mahsulot yetishtirish orqali aholining meva-mahsulotlariga bo'lgan ehtiyoji ta'minlash, 2025-yilgi rejaga nisbatan 105 % ga oshirish rejalashtirilgan.

Direktor o'rinbosari v.v.b.

X. Soliyev

Sanoatlashgan intensiv bog' va uzumzorlarni rivojlantirish boshqarmasi boshlig'i

A. Juroyev

Moliyalashtirish, buxgalteriya va rejalashtirish bo'limi boshlig'i

O. Mamatkulov